

АЁЛНИНГ ҲАМ АЖРАШ ҲАҚИ БОР

18:46 / 26.04.2016 4545

САВОЛ: Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Менинг бир дўстим 6 ойдан бери рафиқаси билан яшамайди. Барча юк-молларини олиб кетган. Талоқ ҳам бермаган, загс ҳам қирқилмаган. Лекин яшаш нияти йўқ. Аёлнинг ҳозирда қилаётган гуноҳлари дўстимнинг зиммасидами? Бир домла шундай дебди. талоғини бериши шартми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.Албатта, аёл кишини бу ҳолда ташлаб қўйиш яхши эмас. Мен қайта ярашишларини илтимос қиламан. Агар бунинг мутлақо иложи қолмаган бўлса, эркак талоқ қилиши лозим бўлади. Талоқ қилмасдан аёлни қийнаш мусулмончиликка тўғри келмайди. Бу ҳолатда аёл масъул тарафларга арз қилиб, ажраш ҳақиға эга бўлади. Валлоҳу аълам.